Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2018 йил 10 февраль, № 28 (6986) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Президент Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.

Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун пойтахтимиз том маънодаги қурилишлар майдонига айланган. Янгидан-янги иншоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари, равон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишидаги 2-босқич қурилиш ишларини кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев бу каби мураккаб жараён нафақат маблағ, балки ақлий меҳнат ва юксак маҳорат, чуқур билим ва тафаккур, юқори технологияларни талаб қилишини таъкидлади.

Қурилишга 200 дан ортиқ ишчи ва муҳандис, 40 та техник восита ва механизм жалб этилган. Метро қурилишига Германиядан ер ости туннелини қазийдиган комплекс, бурғилаш ва темир-бетон қозиқ қоқиш техникаси, шунингдек, ГФР ва Хитой кранлари олиб келинган.

Қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, уни 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Президентимизга метро бекатларининг дизайни ва қиёфаси, уларни замонавий ва миллий анъаналар асосида қуриш ва безаш бўйича маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари метро қурилишида ишлатилаётган энг замонавий техник воситалар билан таништирилди.

Шу ернинг ўзида Тошкент шаҳри метрополитенини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда барпо этилаётган «Наврўз» истироҳат боғи лойиҳасини кўздан кечирди.

Наврўзи олам — халқимизнинг энг қадимий миллий байрами. Юртимизда каттаю кичик барча шарқона янги йил бўлмиш ушбу айёмни орзиқиб кутади. Эзгулик, меҳр-мурувват, хайр-саховат айёми қалбларга олам-олам сурур ва орзу-ҳаваслар бахш этади.

Жорий йилда ҳам Наврўз байрамини кўтаринки руҳда, умумхалқ сайли тарзида нишонлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов ва Лабзак кўчалари кесишган жойда «Наврўз» боғи барпо этилмоқда.

Боғ учун 32 гектар ер ажратилган бўлиб, бу ерда 6 минг кишилик усти очилиб ёпиладиган амфитеатр, диаметри 72 метрлик чархпалак, ҳар бир вилоят аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, аждодларимизнинг яшаш тарзи, миллий ҳунармандлик, пазандалик анъаналарини акс эттирувчи уйлар қурилади. Бу ерга келган хорижий делегациялар аъзолари ва сайёҳлар аждодларимизнинг ўзига хос бой маданий мероси, фольклори, этнографияси, кийиниш маданияти, санъати билан танишиш, ҳар бир ҳудуднинг лаззатли таомларидан татиб кўриш имкониятига эга бўлади.

Жорий йилдан бошлаб халқимизнинг Мустақиллик, Наврўз каби улуғ байрамлари мазкур боғда ўтказилади. Бундан ташқари, мажмуада оммавий сайиллар, концертлар ташкил этиш учун барча шароит яратилади. Истироҳат боғи марказига қуёш шаклида Наврўз рамзи ўрнатилади. Мажмуа 2019 йили тўлиқ қуриб битказилади.

«Наврўз» боғидан Анҳор канали узра учта пиёдалар кўпригини бунёд этиш мўлжалланган. Боғ чети «Анҳор-Локомотив» паркига туташиб кетади. Одамлар бу кўприклардан амфитеатрга кириб келади, Анҳор канали бўйлаб сайр қилиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур боғ Наврўз байрамимизни тараннум қиладиган, миллатимизнинг ўзлигини кўрсатадиган марказ бўлади, деди Президентимиз. Боғнинг ҳар бир элементида, ҳар бир қарич ерида халқимизнинг маданияти уфуриб туриши зарур. Бунинг учун Анҳор канали бўйларига Тошкент шаҳри туманлари, вилоятларимиз учун ўринлар ташкил қилиш керак, токи ҳудудлар бу ерда ўзининг асл анъаналари, баҳорий удумларини намойиш этсин. Юртимизга келган сайёҳ аввал Ислом цивилизацияси марказига, сўнг бу ерга келиб, халқимизнинг бой маданий мероси билан танишсин.

Давлатимиз раҳбари боғ ҳудудини ободонлаштириш, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш, Анҳор бўйида қайиқлар бекати бунёд этиш, мажмуада аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган саҳна асарлари намойиш этишни ташкиллаштириш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсиялар берди.

Шу ерда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳудудида Мусиқа санъати профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш марказини бунёд этиш лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Олмазор тумани Қичқириқ канали бўйида маданият ва истироҳат боғи барпо этилиши режалаштирилган. Бу ерга ташриф асосида Шавкат Мирзиёевга мазкур парк лойиҳаси юзасидан маълумот берилди. Маълум қилинганидек, боғда болалар ва спорт майдончалари, замонавий аттракционлар ташкил этилади. Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар, Нуронийлар маскани қурилади.

Президент кутубхоналарнинг пойтахт мактаблари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижодини ёшларга чуқур ўргатиш зарурлигини таъкидлади. Аҳолининг дам олиши учун қулайликлар яратиш, хусусан, Нуронийлар масканида чойхона ва аския маркази ташкил қилиш, яқин жойда поликлиника барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Боғ билан танишув чоғида Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда «Хавфсиз шаҳар» концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари уйма-уй юриб, одамлар билан суҳбатлашиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш, иш ўринлари яратиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шайхонтоҳур туманидаги «Сузук ота» мажмуасида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2017 йил 26 май куни бу масканда бўлиб, мақбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берган эди.

Манбаларда келтирилишича, 1363-1364 йилларда соҳибқирон Амир Темур Аҳмад Яссавийнинг набираси Сузук ота қабри устида мақбара ва масжид бунёд эттирган.

Айни пайтда бу ерда бунёдкорлик ва реконструкция ишлари давом этмоқда. «Ижод-Ижод» хусусий корхонаси томонидан масжиднинг гумбаз қисмига ўзгартириш киритилиб, тарихий хонақоҳ билан уйғунлаштирилган, 900 кишига мўлжалланган айвон қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, ҳунармандлар учун устахоналар, автотураргоҳ ва бошқа иншоотлар барпо этилмоқда. Чиллахона тикланаётир. Қурилиш ишлари жорий йилнинг 1 сентябрида якунланиши мўлжалланган.

Президент масжидни миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этиш ва бу ерда зиёратчилар учун кенг қулайликлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Бизнес-марказида юқори ва тежамкор технологияларга асосланган «High Tech City» шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди. Жанубий Кореянинг «Posco Daewoo» компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилаётган мазкур лойиҳанинг қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

«High Tech City» шаҳарчаси ҳудудида халқаро бизнес-марказ, кўп қаватли тураржойлар, илмий-ишлаб чиқариш кластери, юқори технологияларни ривожлантиришга ихтисослаштирилган институт, политехника коллежи, савдо шохобчалари, маданий кўнгилочар иншоотлар, меҳмонхона ва бошқа ижтимоий объектлар қурилиши мўлжалланмоқда.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Кўприк қурилиш трести» корхонаси томонидан бунёд этилаётган йўлўтказгич қурилишини кўздан кечирди. Мазкур ўтказгичда автомобиллар ҳаракати 6 йўлақдан иборат бўлади. Айни пайтда қурилиш ишларига 30 дан ортиқ техника воситалари, турли мураккаб машина ва механизмлар, 200 дан зиёд малакали муҳандис ва ишчилар жалб қилинган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви жараёнида Чилонзор туманида барпо этилаётган янги масжидга ташриф буюрди. Президент ушбу масканга шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номини беришни таклиф қилди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эди, деди Шавкат Мирзиёев. Ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганиш ва тарғиб этиш, халқимиз, ёшларимизни диний маърифат руҳида тарбиялашга бағишлаган эди.

Президент Сергели туманидаги кўп қаватли янги уй-жойлар қурилиши билан ҳам танишди.

Лойиҳага асосан, 5 минг 40 хонадонли 7 қаватли уйлар қурилиши белгиланган. 120 та уйнинг ҳандаги қазилди. 8 та уйнинг учинчи, 33 та уйнинг биринчи қаватида ғишт териш ишлари олиб борилмоқда. 20 тасида плита ётқизиш, 59 тасида пойдевор қўйиш, блок териш ва металл ишлари бажарилмоқда. Қурилишга 6 мингдан зиёд мутахассислар, 450 дан зиёд махсус техникалар жалб этилган.

Лойиҳалаштириш ишлари «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» институти, «ТошуйжойЛИТИ» АЖ, «Ташгипрогор» АЖ, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» АЖ томонидан амалга оширилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, янги уйлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан барпо этилмоқда. Уларнинг теварагида мактаблар, дам олиш жойлари, болалар майдончалари, автомобиль тураржойлари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев топшириғига асосан, 8 та уйнинг биринчи қаватида мактабгача таълим муассасалари, 3 та уйнинг пастки қаватларида оилавий поликлиникалар жой олади. Шу тариқа қурилаётган янги массив аҳолиси учун қулайликлар янада кўпаяди.

Янги уйларни жорий йилнинг сентябрь ойида ўз эгаларига топшириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари қурувчилар билан мулоқотда хонадон соҳиблари учун барча шароитлар яратиш лозимлигини, бунинг учун қурилиш, дизайн, инфратузилма каби соҳаларни ҳар томонлама ўзлаштирган, уларнинг узвий боғлиқлигидан келиб чиқиб ишлайдиган етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Қурилиш ишларини белгиланган муддатда сифатли қилиб якунлаш бўйича топшириқлар берди.

ЎзА.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

Адолат, эзгулик ва ҳаёт тараннуми

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида, таълим муассасаларида, ҳарбий қисмларда улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар, маънавий-маърифий кечалар, адабий-бадиий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.

ЭҲТИРОМ

Уларда истиқлол туфайли азалий қадриятларимиз тикланганлиги, диёримизда камол топган аллома ва мутафаккирларнинг бой маънавий меросини ўрганишга кенг йўл очилгани, бу эса ёшлар тарбиясида улкан аҳамият касб этаётгани таъкидланмоқда.

Дарҳақиқат, бугун Алишер Навоий шахсияти, асарларига бўлган эҳтиром тубдан юксалди. Юртимизда унинг номи билан аталувчи вилоят, ўнлаб маданий-маърифий муассасалар, ташкилотлар бор. Мустақиллигимизнинг дастлабки йили "Алишер Навоий йили" деб аталгани, пойтахтимизда қад ростлаган бобокалонимиз номидаги муҳташам боғ ана шу чуқур эҳтиром ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир, албатта.

9 февраль куни Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 577 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутасаддилари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этган анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М. Аҳмедов ва бошқалар бугун буюк аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларни алоҳида эътироф этдилар.

Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсоний баркамоллик, одоб-ахлоқ, беғубор ва покиза туйғулар улуғланган асарлари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Шу боис улуғ шоирнинг ижод намуналари жаҳон халқларининг кўплаб тилларига таржима қилиниб, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаяпти.

— Бугун буюк бобокалонимиз Алишер Навоий асарлари севиб ўқилаётгани, айниқса, ёшларимиз чин ихлос билан шоир ғазалларини ёд олаётгани қувонарлидир, — дейди тадбир иштирокчиси, Ўзбекистон Миллий университети доценти А. Алимбеков. — Зеро, унинг асарлари бутун башариятга дахлдор. Биз шундай улуғ инсоннинг ижодидан баҳраманд бўлаётганимиз учун беҳад миннатдормиз, бундан фахрланамиз.

Тадбирда Алишер Навоий даҳосига бағишланган шеърлар ўқилди.

Иштирокчилар Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

(Давоми 2-бетда).

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга кўмаклашади

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва шахсий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Зеро, ҳар бир демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Мустақиллик йилларида юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Албатта, ислоҳотларнинг ҳаётга тўғри татбиқ этилиши ва самара бериши кўп омилларга боғлиқ. Шу боис, аввало, кадрлар, қолаверса, ишни тўғри ташкил этиш механизмини яратиш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш каби ўта муҳим масалалар эътиборда бўлиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мазкур соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга хизмат қиладиган тарихий аҳамиятга эга ҳужжат бўлди. Унда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар, вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини ташкил қилиш таклифи илгари сурилди.

(Давоми 2-бетда).

Халқ сўзи
www.xs.uz /xs.uz.narodnoeslovo.uz @xs_ns
2018 йил 10 февраль

Адолат, эзгулик ва ҳаёт тараннуми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улуғ бобомиз таваллуд топган кун муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида ҳам илмий анжуман ўтказилди. Мазкур институт директори, филология фанлари доктори, профессор Н. Маҳмудов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, профессор Б. Абдуҳалимов, навоийшунос олим Иброҳим Ҳаққулов ва бошқалар маънавий-маърифий йўналишда олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, Алишер Навоийнинг бой меросини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлашди.

Анжуманда ўндан ортиқ олим ва адабиётшунослар, тадқиқотчилар ўз маърузалари билан қатнашди.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида ҳам Алишер Навоий таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди.

Шеърият мулкининг султони, бобокалонимиз Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги Қорақалпоғистон Республикасида қизғин нишонланмоқда.

Жумладан, Нукус маданият ва санъат коллежида адабий кеча ҳамда буюк аждодимиз асарлари билимдонлари танлови ташкил этилди. Ушбу тадбирларда Алишер Навоий асарлари омма, айниқса, ёшлар томонидан катта қизиқиш билан мутолаа қилинаётгани, уларнинг инсон маънавиятини бойитишдаги аҳамияти тўғрисида батафсил сўз юритилди.

— Бобокалонимизнинг "Қани энди, яхшилик қила олмайдиган одам, ёмонлик ҳам қилмаса, зеро, ёмонлик қилмаслик, яхшилик қилган билан баробардир" каби пурмаъно ҳикматлар уфурган асарлари биз учун улкан ибрат намунасидир, — дейди мазкур коллеж ўқитувчиси Наргиза Байлепесова. — Навоий адабий меросидан бугун ёшларимиз маънавий озиқ олиб, баҳраманд бўлаётганидан беҳад мамнунмиз.

Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида улуғ мутафаккир таваллуд топган кунга бағишлаб ўтказилган тадбир ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турди. Ёзувчи ва шоирлар, талаба-ўқувчилар иштирокидаги ушбу анжуманда Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Навоийшунос олимлар унинг ҳаёти ва ижодига оид изланишлари хусусида фикр юритган бўлсалар, сўз мулкининг султони ғазаллари ёшлар талқинида ўзгача ифода топди.

— Маданий бойликлар, хусусан, бадиий адабиёт, китобхонлик инсон маънавиятини шакллантиришда муҳим омил эканлигини бот-бот таъкидламоқдамиз, — дейди адабиётшунос олим Валижон Қодиров. — Биз миллатнинг мутолаа малакасини буюк Навоийни уқиш даражасидаги китобхонликка кўтаришимиз керак. Навоийни уққан, англаган, ҳис этган миллат илм-урфон, маънавий камолоти ила дунёда сарафроз бўлиши, шубҳасиз.

Шу куни "Баркамол авлод" болалар бадиий ижодиёт марказида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган иншолар, расмлар кўрик-танловининг якуний босқичи ҳам бўлиб ўтди.

Бахтиёр АКРАМОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан у зотнинг номи билан юритиладиган шаҳарда ҳам навоийхонлик тадбирлари катта маънавият байрамларига уланиб кетди. Дастлаб, Президентимиз ташаббуси билан қад кўтарган улуғ шоир ҳайкали пойига вилоят фаоллари, олимлар ва бир қатор ёшлар томонидан гуллар қўйилди.

Шунингдек, шаҳардаги барча таълим, маданият муассасаларида бўлиб ўтган байрам тадбирида Навоий ғазаллари, рубоийлари айтилди. Куй-қўшиқлар, миллий рақслар ижро этилди.

Самарқанд шаҳри. Эрта тонгданоқ шоир номи билан аталувчи истироҳат боғида навоийшунос олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари бобомиз ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Маросимда сўзга чиққанлар шоирнинг бой ижодий мероси, ҳаёти ва фаолияти ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Шу куни Самарқанд давлат университетида "Улуғ алломага эҳтиром" мавзуида илмий-амалий анжуман ҳам ўтказилди. Унда "Алишер Навоий ва замонамиз", "Е. Э. Бертельс — илмий Навоийшунослик асосчиси", "Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси" каби мавзуларда СамДУ профессорлари М. Муҳиддинов, И. Мирзаев, У. Санақуловнинг маърузалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Анжуманда талабалар Алишер Навоий ғазалларидан ўқишди. Саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Бундай тадбирлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан Олий суд, Бош прокуратура, қатор вазирлик ҳамда идоралар, банклар — жами 25 дан ортиқ марказий ташкилотлар раҳбарлари ва масъуллари иштирокида ташкил этилган оммавий қабулларда пойтахт вилоятининг барча шаҳар ҳамда туманлари қамраб олинди. Уларда кўтарилган муаммоларнинг асосий қисми жойида ўз ечимини топди. Айрим масалалар эса тегишлилигига қараб "йўл харита"ларига киритилди. Кўплаб фуқароларга малакали ҳуқуқий маслаҳатлар ва тушунтиришлар берилди.

Фуқароларни ташвишлантираётган муаммолар

пойтахт вилоятида бўлиб ўтган оммавий қабулларда ҳал этилди

Сайёр қабулларнинг ўзига хос томони шундан иборат бўлдики, қабулга келган мутасаддилар мавжуд муаммоларни жойига чиқиб ўргандилар, аҳоли билан суҳбатлар ўтказдилар.

Асосий эътибор ички йўлларнинг ҳолатига, аҳолининг газ, электр энергияси, иссиқлик таъминотига, эҳтиёжмандларга уй-жой берилишига, ишсизлик билан боғлиқ муаммоларга қаратилди.

— Вилоятимиз шаҳар ва туманларида ўтказилган оммавий қабулларда кўтарилган масалаларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, айрим раҳбарларнинг фуқаролар мурожаатларига эътиборсизлиги, ўз хизмат вазифаларига совуққонлиги эътирозларга сабаб бўлмоқда. Масала ечим топмагач, фуқаролар юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур. Ваҳолонки, кўтарилаётган муаммоларнинг деярли барчасига жойида ечим топса бўлади. Шундай экан, ортиқча оворагарчилик, сансалорликнинг олдини олиш учун қуйи идоралар раҳбарлари масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишлари лозим, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Акмал Исабоев.

Дарҳақиқат, шундай. Мисол учун, ўтган бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонасига Оҳангарон туманидан 5 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушган. Уларнинг 26 фоизи туман, 39 фоизи Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ваколати доирасидадир. Мурожаатлар соҳалар бўйича ўрганилганда, уй-жой, ер ажратиш, коммунал соҳа, ишсизлик, моддий ёрдам, меҳнат ва бандлик, газ ҳамда электр таъминотига оидлиги маълум бўлди. Кўтарилган муаммоларнинг барчаси кўриб чиқилиб, тегишли хулосаларга келинди.

Оҳангарон шаҳрида ўтган оммавий қабулларда кўтарилган масалаларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Иккинчи гуруҳ ногирони Ольга Калашниковонинг моддий ёрдам сўраб қилган мурожаатига шаҳардаги "Ватан" маҳалла фуқаролар йиғини мутасаддилари ечим топди. Иш сўраб келган Наргиза Абдураҳимова "Зулайҳо зиё" масъулияти чекланган жамиятига жойлаштирилди. Бахт номли маҳаллада яшовчи Суҳроб Йўлдошев ҳам шу куни ишли бўлди. Якка тартибдаги тадбиркор Неъмат Мусаматовга шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан нотўғри ҳисобланган 2 миллион 563 минг 234 сўм маблағ шу куниёқ қайтарилди.

Қибрай туманида ўтган сайёр қабулда Бўстонлиқ туманидан келган тадбиркор Дилфуза Умаралиева болаларга кичик ўйингоҳ ва бассейн қуриш учун ер оладиган бўлди. Чинобод қишлоғида яшовчи Иброҳим Раҳмонқуловга ҳам спорт майдони қуриш мақсадида 0,8 гектар ер ажратиб берилди.

Албатта, барча муаммо ҳам ана шундай тезгина ҳал бўлаётгани йўқ. Қибрайлик Шаҳноза Носирхўжаева уй сотган. Орадан 1,5 йил ўтиб мазкур уй бузиладиган бўлди. Уйнинг ҳозирги эгаси пулини қайтариш ҳақида даъво қилмоқда. Масала ечимини мутасаддилар ўз зиммаларига олишди.

Зангиота туманида ташкил этилган қабулларда ҳам ана шундай масалалар ўртага ташланди. Эркин қишлоғида яшовчи З. Убайдуллаева турмуш ўртоғи Хитой Халқ Республикаси фуқароси бўлганлиги учун уни ўз уйига доимий рўйхатга қўя олмаётганлиги ҳақида арз қилган бўлса, Б. Исматов светофор ўрнатиш ва ички йўлларни тартибга келтириш бўйича мурожаат этди. Тадбиркор Ф. Аъзамовнинг туман ҳокимлигига ер сўраб ёзган мурожаатини кўриб чиқиш орқага сурилмоқда.

Шу куни Зангиота туманидан қабулга келган 59 нафар, Тошкент туманидан келган 20 нафар фуқаронинг мурожаатлари ижобий ҳал этилди. Улар орасида чувалачилик Аброр Нўъмонов ҳам бор. У яшайдиган маҳалла аҳолисини неча йиллардан бери тоза ичимлик суви йўқлиги қийнаб келмоқда. Қишлоқдошлари номидан масалани кўтарган мурожаатчи қабулдан яхши кайфият билан чиқди ва янгиликни маҳалладошларига етказиш учун ошиқди. Гап шундаки, шу йилнинг август ойида маҳаллада янги сув иншооти қурилади. Бу билан Чувалачи, Ширин, Култепа маҳаллаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконияти яратилади.

— Мен бугун қабулга миннатдорлик билдириш учун келдим, — дейди келеслик Арофат Ҳусанова. — Тошкент тумани ҳокимлиги мурожаатимни эътиборсиз қолдирмади. Ёлғиз бўлганим учун ҳокимлик тасарруфидаги бинода ўзим яшаб турган квартирани таъмирлаб, жиҳозлаб, номимга ҳужжатлаштириб беришди. Бунинг учун халқимиз дарду ташвиши билан яшаётган, тинимсиз ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиздан чексиз миннатдорман.

Вилоят шаҳар ва туманларида бўлиб ўтган оммавий қабуллар жараёнида ўртага ташланган муаммолар ташкил этилган секторлар фаолияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилди. Аҳоли билан ўтказилган суҳбатлар жараёнида уларнинг секторларда олиб бораётган ишларга муносабати ҳам мутасаддилар эътиборида бўлди. Бу, ўз навбатида, секторлар фаолиятини баҳолашнинг ўзига хос мезони сифатида хизмат қилади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга кўмаклашади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу комиссиянинг асосий вазифалари этиб одамлардан келиб тушаётган мурожаатлар, халқ билан бевосита учрашув ва мулоқот жараёнида кўтарилаётган масалаларни умумлаштириш, парламент сўрови орқали ҳаққоний вазиятни таҳлил қилиш, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши билан бирга муаммоларни ҳал этиш кабилар белгиланди.

Мазкур Комиссиянинг ташкил этилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга, биринчи навбатда, судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш, судларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, судьялар корпуси фаолиятини шакллантиришда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш, суд ҳокимиятининг фаолиятини тубдан яхшилаб, нуфузини янада кўтариш, судлар тузилишини такомиллаштириш ҳамда судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлаш тизимини демократлаштириш, мамлакатда қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, фуқароларнинг судлар фаолияти юзасидан қилаётган мурожаатларининг ижобий ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда бир далилга эътиборингизни қаратсак. 2017 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятидаги Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлардан 612 таси айнан судлар фаолияти юзасидан бўлган.

Таъкидлаш ўринлики, вилоят Халқ қабулхонасида фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш учун бириктирилган суд ходимлари мурожаат муаллифларига ҳуқуқий тушунтириш ва маълумотлар бериш билан чекланиб қолаётгани туфайли, уларни ижобий ҳал этишда сансалорликка йўл қўйилмоқда. Натижада бу судлар фаолиятига оид такрорий мурожаатларнинг янада кўпайишига олиб келмоқда. Вилоят судлари томонидан Халқ қабулхонаси орқали юборилган 612 та мурожаатнинг атиги 10 таси (1,6 фоизи) ижобий ҳал қилиниб, 4 таси кўрилмасдан қолдирилган, қолган 598 та (98 фоиз) мурожаатга ҳар хил мазмундаги тушунтиришлар берилган, холос.

2017 йил 7-8 сентябрь кунлари Бухоро вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раҳбариятининг сайёр қабуллари ташкил этилиб, уларда икки мингдан ортиқ фуқаролар қатнашди ҳамда уларнинг узоқ вақтдан буён ечимини кутаётган муаммолари жойида ҳал қилинди. Бироқ вилоятда туман ва шаҳар даражасидаги судларнинг бу борадаги фаолиятини талаб даражасида, деб бўлмайди.

Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш комиссиясини ташкил этиш бўйича таклифи ўз вақтида қабул қилинди, деб ҳисоблаймиз. Боиси ушбу Комиссия мамлакатимизда юқоридагидек ҳолатларга тўлалигича барҳам беришга, суд ҳокимиятини амалда янада такомиллаштириш борасидаги ислоҳотларнинг натижадорлигига катта ҳисса қўшади. Қисқача айтганда, суд инсонпарварлик тамойили асосида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи одил орган сифатида фаолият юритади. Зеро, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб замирида ҳам инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик жамиятни барпо этиш мақсади мужассамдир.

Тоҳир БАҲРОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Наманган вилоятидаги "Косонсой-фарм" эркин иқтисодий зонасида фармацевтика саноатига доир истиқболли лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Фармацевтика саноати:

Истиқболли лойиҳалар тақдимоти

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 3 майдаги "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида Косонсой туманидаги "Намуна" массивидан дори-дармон воситалари ишлаб чиқариш учун 32,5 гектар, "Бухоро" массивидан эса доривор ўсимликлар плантациясига 100 гектар майдон ажратилиб, транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Мазкур ҳудудда фаолиятини йўлга қўйишни мақсад қилган 14 та тадбиркорлик субъекти ўз лойиҳаларини тақдим этган бўлиб, улардан турли дори-дармонлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш вазифаси ўрин олган.

— Эркин иқтисодий зонада барпо этаётган корхонамизда анальгин, парацетамол, диазолин сингари 50 турдаги препаратлар тайёрлаш йўлга қўйилади, — дейди "Спринг фармацевтик" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зокиржон Мамадалиев. — 4,3 миллион АҚШ доллари қийматидаги лойиҳада кўзда тутилган тадбирлар ижроси жадал олиб борилмоқда. Қисқа вақт ичида ишлаб чиқариш бино-иншоотларининг асосий қисмини тиклашга муваффақ бўлдик. Дастлабки маҳсулотни жорий йилнинг май ойига қадар чиқаришни режалаштирганмиз. Корхона тўлиқ фаолият бошлагач, йиллар фармацевтика соҳасининг турли йўналишлари қамраб олинган. Масалан, "Жўрабек ота" хусусий корхонаси суртма дори воситалари, "Мед диагноз фарм" масъулияти чекланган жамияти эса тиббий лаборатория ҳамда диагностика ускуналари ишлаб чиқариш ва доривор ўсимликлар етиштириш, "Даво" хусусий корхонаси тиббий идишлар қопқоғи, тиббиёт пахтаси тайёрлашни йўлга қўйишни мақсад қилган. Асосий лойиҳаларни уч йил давомида босқичма-босқич ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Х. Бозоров иштирок этди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

лига 10 миллиард сўмлик дори-дармон тайёрлаш имконияти юзага келади. Технологик жараёнлар ижросига 60 киши жалб қилинади.

Тақдимот маросимида намойиш этилганидек, лойиҳа-

Пахтакорда янги қўшма корхона қурилмоқда

Жиззах вилоятининг Пахтакор тумани марказида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Paxtakor teks" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонаси қурилаяпти.

ҲАМКОРЛИК

Умумий қиймати 22 миллион АҚШ долларига тенг, йилига 8200 тонна калава ип тайёрлашга ихтисослаштирилган мазкур саноат субъекти Германия, Туркия ва Японияниг энг сўнгги русумдаги технологиялари билан жиҳозланиши кўзда тутилган.

— Биринчи босқичда калава ип ишлаб чиқаришга, иккинчи босқичда эса ундан мато тўқиш, бўяш ва маҳсулот тикишга киришамиз, — дейди корхона раҳбари Илҳом Абдураҳманов. — Жорий йилнинг 1 октябрида фойдаланишга топширилиши мўлжалланган фабрикамизда ҳозирги пайтда 130 нафар қурувчи 3 сменада меҳнат қилаяпти. Лойиҳанинг биринчи навбати ишга туширилгач, бу ерда маҳаллий ёшлардан 380 нафари муқим иш ўрнига эга бўлади.

Толибжон ЭРГАШЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ёлғон гувоҳлик учун жавобгарлик кучайтирилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқимизнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳалари депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилмоқда.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ

Ана шулардан бири қуйи палатага Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасидир. Айни пайтда ушбу ҳужжат қизғин муҳокамалардан сўнг, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мазкур қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилишида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 ноябрдаги Фармони асос бўлди.

Бинобарин, Фармонда қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш ва кўриб чиқиш жараёнида далилларни тўплаш, текшириш ҳамда баҳолашда қонунийлик ва холисликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги, ушбу ҳолатлар фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани, натижада аҳолининг ҳақли эътирозига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ва суднинг беғаразлигига бўлган ишончи пасайишига олиб келаётгани таъкидланган эди.

Қонун лойиҳаси Фармонда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Чунки ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши билан далилларни сохталаштирганлик (қалбакилаштирганлик) учун жиноий жавобгарлик белгиланади. Ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик кучайтирилади.

Қонунга хилоф усуллар орқали олинган далиллардан, шу жумладан, жиноят процесси иштирокчиларига ёки уларнинг яқин қариндошларига нисбатан руҳий, психологик, жисмоний ёхуд бошқача тарзда босим ўтказиш, қийноққа солиш, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаган ҳолда ҳамда номаълум манбадан ёхуд жиноят ишини юритиш жараёнида аниқлаш мумкин бўлмаган манбадан олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаганлик учун жавобгарлик кучайтирилади ҳамда далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокурор ёки суд томонидан зудлик билан зарур экспертизаларни ўтказган ҳолда мажбурий текширилади.

Ушланган шахсларнинг қамоққа олиш тарзидаги сиртдан қабул қилинган эҳтиёт чораси устидан суд тартибида шикоят қилиш ҳуқуқлари, шунингдек, ҳимоячиларнинг далилларни тўплаш ва тақдим этишга бўлган ҳуқуқларининг кенгайтирилиши яна бир муҳим янгилик ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасида ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов экспериментини видеоёзув тарзида мажбурий қайд этиш, шунингдек, суд муҳокамаси жараёнида стенография юритиш мажбурийлиги белгиланмоқда.

Шу билан бирга, прокурор томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган, қамоқда сақланаётган, ушлаб турилган ёки маъмурий қамоққа олинган шахслардан жиноятлар тўғрисида олинган аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни дарҳол рўйхатга олиш ва ҳал қилишда жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишининг шартлигини белгилаш назарда тутилган.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши жиноят, жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини янада такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари самаралі ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.

«Юртга муносиб фарзанд бўламиз»

дейишмоқда муддатли ҳарбий хизматга отланган йигитлар

Президентимизнинг 2018 йил 13 январдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида Хоразм вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида ёшларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими ўтказилди.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, меҳнат фахрийлари, бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этган тадбирда миллий армиямизни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида сўз борди. Қуролли Кучларимиз сафларини юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир баркамол ўғлонлар билан таъминлаш бўйича қилинаётган ишлар эътироф этилди.

— Болалигимдан ҳарбий либос кийиб, Ватан ҳимоячиси бўлишни орзу қилар эдим, — дейди Урганч туманилик Азизбек Султонов. — Шу боис мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг ўқув курсида таҳсил олдим. Бугун эзгу ниятимга эришганимдан жуда бахтиёрман. Ишончни оқлаймиз, юртга муносиб фарзанд бўламиз.

Йигитларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш учун келган ота-оналар, оила аъзоларининг юз-кўзларида қувонч ва ҳаяжон балқиб турибди.

— Ватан олдидаги бурчини ўташ учун отланган мард ўғлонлар орасида ўғлим Умиджон ҳам бор, — дейди Урганч шаҳрилик Зулайҳо Бобониёзова. — Фарзандимнинг эл қорига ярайдиган инсон бўлаётганидан кўнглим осмон қадар юксалди. Майдонда ҳарбий либосда саф тортган аскарлардаги шижоат, ўзига ишонч ва қатъиятни кўриб, қалбимда ифтихор туйғулари жўш урди. Барча йигитга муддатли ҳарбий хизматни аъло даражада, шараф билан ўташларини тилайман.

Тантанали маросимда аскарлар билан бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қурилиб, уларга вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Аскарлик либосини кийиш шарафига муяссар бўлган сирдарёлик йигитларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш маросими ҳам байрамона тарзда кечди.

Тадбирда Сирдарё вилояти мусиқали драма театри актёрлари ижросида ватанпарварлик мавзуига оид саҳна кўриниши намойиш қилинди. Шунингдек, юрт, тинчлик ва фаровонликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради. Бўлажак аскарларга эсдалик совғалар тақдим қилиниб, уларнинг Ватан ҳимоясидек шарафли вазифани бажаришларида муваффақиятлар тиланди.

— Ушбу кунни интиқлик билан кутгандим, — дейди Боёвут туманилик Алижон Эркинов. — Мана, ниятимга етдим. Эгнимга ҳарбий либосни кияр эканман, бутун вужудимни ғурур туйғуси эгаллади. Ватаним учун керакли инсон эканлигимдан бахтиёрман. Бугунги кунда аскар бўлиш ҳар бир йигитнинг энг катта орзуси. Бу мақсадга етишиш учун пухта тайёргарлик кўриб бориш лозимлигини ўз ҳаётим мисолида англадим. Масалан, мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотидаги машғулотларда ҳар жиҳатдан чиниқдим, қолаверса, у ерда чавандозликни ҳам ўрганиб олдим. Шу билан бирга, дунёқарашимни кенгайтиришга ҳаракат қилдим. Ўйлайманки, бу изланишларим муддатли ҳарбий хизматда, албатта, асқатади. Қолаверса, армияда бўш вақтларда ўқиб-ўрганишни одатга айлантиришни мақсад қилиб қўйганман.

Одилбек ОДАМБОЕВ,
Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ...

Бугун юртимизда янги ғоялар, бизнес лойиҳаларнинг ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани одамларда ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини кучайтираяпти. Президентимиз ташаббуси билан Бухоро вилоятида кластер усулида ишлаб чиқариш мажмуасининг барпо этилаётгани фикримизга бир мисолдир.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилнинг 10-11 март кунлари Бухорога қилган ташрифи чоғида мазкур лойиҳа билан танишиб, уни ҳар томонлама такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берганди. Юртбошимизнинг "Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шу йўналишдаги кенг қамровли ишларга мустаҳкам пойдевор яратди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида "BCT Cluster" корхонаси таркибида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Buxara Cotton Textile" қўшма корхонаси ҳамда "BCT Cluster Agrokompleks" масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди.

Хом ашё эмас, тайёр маҳсулот сотамиз

Бухорода иш бошлаётган пахтачилик-тўқимачилик кластери шу мақсадга қаратилган.

Даромад ўн беш баробар юқори

— Кластер усули, бу — бир-бирига боғлиқ корхоналарнинг ягона тизим асосида фаолият кўрсатишидир, — дейди "Buxara Cotton Textile" қўшма корхонаси бош директори Олим Жумаев. — Лойиҳага кўра, мажмуамизда пахтани етиштиришдан тортиб, уни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган барча жараён қамраб олинмоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатаяптики, Европа давлатлари ҳамда АҚШда ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми кластер усулида ишлаб чиқарилмоқда. Мутахассисларимиз томонидан ушбу мамлакатлар тажрибаси атрофлича ўрганилди.

Фикримча, кластер усулининг жорий этилиши одамларимизнинг ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоқда. Бунга уларни доимий иш ўрни ҳамда моддий манфаатдорлигини таъминлаш орқали эришилаяпти. Муҳими, хом ашёни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш ва уни экспорт қилишдан катта даромад олиниши кутилмоқда.

"Buxara Cotton Textile" корхонаси фаолиятига тўхталадиган бўлсак, бу ерда умумий қиймати 53 миллион АҚШ долларилик лойиҳа амалга оширилаяпти. Мавжуд иншоотларни таъмирлаш, янги бинолар қуриш ишлари давом этмоқда. Шу вақтга қадар таъсисчиларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 9 миллиард сўмликдан зиёд бунёдкорлик юмушлари бажарилди. Германия, АҚШ, Бельгия, Франция, Япония давлатларининг дунёда етакчи ҳисобланган компаниялари билан технологик линиялар хариди бўйича шартномалар тузилди. Корхонанинг биринчи босқичида йилига 9,5 минг тонна ҳар хил турдаги калава ип, 12 миллион погон метр юқори сифатли ва табиий бўёқлардан фойдаланилган ҳолда "Denim Premium" (жинси) матоси ҳамда 1 миллион 500 мингта тайёр тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, мингга яқин янги иш ўринлари яратиш мўлжалланган. Маҳсулотнинг асосий қисми ташқи бозорга йўналтирилади.

Дунёда "Denim Premium" матосини ишлаб чиқарувчи 5 та йирик корхона бор. Бухородаги корхона уларнинг олтинчиси бўлиши кутилаяпти. Мақсад — корхона бренди яратиш. Негаки, табиий хом ашёни ўзи етиштириб, уни тайёр маҳсулотга айлантираётган корхоналар ташқи бозорда катта муваффақиятга эришмоқда. Қиёслаш учун мисол: бир килограмм пахта толаси бугун 1,3 долларга сотилмоқда. Агар ундан жинси матоси тайёрланса, даромад камида 15 баробар ортади. Дарвоқе, корхона жамоаси тажриба тариқасида тўрт гектар майдонда индиго ўсимлигини етиштириб, яхшигина ҳосил олишди. Ундан харидорги мато учун табиий бўёқ олинади. Қизиғи, бу экин шўрхок майдонда ҳам ўсаверади. Шу билан бирга, у ер унумдорлигини оширишга ҳам хизмат қилади.

"Лойиҳанинг ноёблиги шундаки, чиқинди ҳам шу ернинг ўзида қайта ишланади" дея таъкидлашди мутахассислар. Бунинг исботи сифатида мўъжазгина харитани тақдим қилишди. Разм солдик. "BCT Cluster" ихтиёридаги 8 минг гектар ердан 24 минг тонна пахта хом ашёси етиштириш мўлжалланган. У мажмуада қайта ишлангач, 8 минг тонна тола олинади. Ундан калава ип, мато ва тикувчилик маҳсулотлари тайёрланиб, ички ҳамда ташқи бозорда сотилади. Қайта ишлаш жараёнидаги иккиламчи маҳсулотларга ҳам талаб катта.

Шунинг билан бирга 10 минг бош қорамол парваришлашга мўлжалланган чорвачилик комплекси эътиборимизни тортди. Таъсисчилар унга кластернинг муҳим бўғинларидан бири сифатида қарашмоқда.

Гап шундаки, чигит мажмуа таркибидаги корхонада қайта ишланиб, ёғ, шрот ва кунжара олинади. Бу чорвачилик комплекси учун озуқа базаси яратилади, деганидир. Ўз навбатида, етиштирилаётган гўшт ҳамда сут маҳсулотлари қайта ишланиб, колбаса, сосиска, консерва, сариёғ, пишлоқ, қатиқ, творог тайёрланади.

"Хориж тажрибасини ўргандик"

Мажмуада ғўзапоядан биогаз олиш технологияси ҳам жорий этилади. Бу ерда ҳатто чорва чиқиндиси исроф қилинмайди. Уни қайта ишлаш заводи қурилгач, 83 минг тонна биогумус, шунингдек, газ ва электр энергияси олинади. Биогумус экин майдонлари ҳосилдорлигини оширишда, газ ва электр энергияси эса мажмуада барпо этилажак 20 гектар майдондаги иссиқхонани зарур ҳарорат билан таъминлашда асқатади. 100 минг тонна ғўзапоядан олинадиган 10 минг куб метр биогаз ҳам худди шу мақсадга йўналтирилади.

— Мен бу борадаги илғор тажрибаларни ўрганиш мақсадида Россия, Украина, Хитой давлатларида бўлиб, халқаро семинар-тренингларда иштирок этдим, — дейди "BCT Cluster"нинг инновацион лойиҳалар бўйича менежери Мақсуд Йўлдошев. — Чиқиндидан газ олиш жуда истиқболли йўналиш. Масалан, Хитойда ҳозир 20 миллион нафар аҳоли биогаздан фойдаланмоқда. Лойиҳамизга келсак, нисбатан илғор саналган Россия технологиясини қўллаш ниятидамиз.

Ўн минг кишининг бандлиги таъминланади

Қарорга мувофиқ, кластер усулида ишлаб чиқариш мажмуаси учун Ромитан туманидан 8 минг гектар экин майдони ажратилди. 5 та ҳудуддаги бу майдонлар аҳоли билан маслаҳатлашиб, 77 та участкага бўлинди. Менежер-агроном, менежер-ҳисобчи, гидротехник, механик, сувчи, механизатор каби мутахассислар ишга қабул қилинди. Ҳозирнинг ўзидаёқ 2 минг киши ишга жалб этилди. Кўклам келиши билан улар сафи янада кенгаяди. Далада меҳнат қилувчилар ойига 1 миллион сўм ва ундан ҳам кўпроқ маош олишмоқда.

— Икки нафар фарзандим бор, — дейди тумандаги Боғитуркон қишлоғида яшовчи дала ишчиси Шокир Бозоров. — Илгари, очиғини айтсам, ғўзапоя учун меҳнат қилардик. Қозон қайнатай, деб олис ўлкаларга ҳам бориб келдим. Аммо ўз юртингга етмас экан. Кластер усулида ишлаш йўлга қўйилгач, энг катта ташвишим енгиллашди. Меҳнатимга яраша ҳақ олаяпман. Рўзғоримга барака кирди. Муҳими, бола-чақам билан биргаман.

— Мутахассис кадрларни айтмайсизми, — дея суҳбатга қўшилади бош агроном Норбой Жалилов. — Олий маълумотли қишлоқ хўжалиги ходимларининг ҳам бир қисми иложсизликдан бошқа иш этагидан тутиб кетишганди. Энди улар ҳам далага қайтди.

"BCT Cluster Agrokompleks" масъулияти чекланган жамиятида бу йил гектаридан ўртача 45 центнердан ҳосил олиш мўлжалланаяпти. Шу мақсадда ерлар 40 — 45 сантиметр чуқурликда шудгор қилинди. Ваҳолонки, илгари бу кўрсаткич 30 — 35 сантиметрдан ошмаган. Ҳашарот уяси бўлган бегона ўтларга барҳам берилди. Маҳаллий ўғит жамғариш учун алоҳида гуруҳлар ишламоқда. Сув йўллари тозаланди. Обиҳаёт тақсимоти илмий асосда йўлга қўйилаяпти. 2 минг гектар ерда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилади. Вильт ва бошқа касалликларнинг олдини олиш учун алмашлаб экиш режаси ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги техника воситалари хариди бўйича шартномалар тузилди. Уларга хизмат кўрсатиш парки, намунавий дала шийпони қурилмоқда.

— Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги "Бухоро вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори вилоятимиз пахтачилигида бутунлай янги даврни бошлаб берди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан, — дейди вилоят ҳокимлиги иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси масъул ходими Аъзам Тилавов. — Унга кўра, "BCT Cluster" корхонаси 2017 — 2021 йилларда қиймати 123,1 миллион долларга тенг ўнта лойиҳани амалга оширади.

Айни пайтда ушбу лойиҳаларнинг учтаси бўйича ишлар қизғин паллада. Қолган 7 тасини янада такомиллаштириш устида малакали мутахассислардан иборат лойиҳачилар гуруҳи изланишлар олиб бормоқда. Замонавий ишлаб чиқариш қувватларининг босқичма-босқич фойдаланишга топширилиши ҳудудда кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим топиш, жумладан, 10 минг кишининг бандлиги таъминланиб, турмуш фаровонлиги ортишига, экспорт ҳажми кўпайишига кенг йўл очади.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АҚШда бўлиб ўтадиган халқаро танловда Ўзбекистон номидан қайси олий ўқув юрти қатнашади?

Жорий йилнинг апрель ойида АҚШнинг Вашингтон шаҳрида Филипп Жессоп номидаги халқаро ҳуқуқшунослар мусобақаси ўтказилади. Унда мамлакатимиз вакиллари ҳам иштирок этади.

ҲУҚУҚ

Юртимизда мазкур танловга қизиқиш юқори бўлганлиги сабабли 2018 йилда учта олий ўқув юрти — Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети унда қатнашиш истагини билдирган. Аммо мусобақа шартига биноан, Ўзбекистон номидан фақатгина битта олий ўқув юрти иштирок этади.

Шу муносабат билан куни кеча пойтахтимизда учала олий ўқув юрти талабалари ўртасида халқаро ҳуқуқшунослар танловининг миллий раунди бўлиб ўтди. Унинг ҳакамлар ҳайъати таркибига профессор-ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, хорижлик экспертлар ҳам таклиф қилинди.

— 1959 йилдан бери ташкил этиб келинаётган Филипп Жессоп танлови ҳуқуқшунослик соҳасида таҳсил олаётган талабалар ўртасидаги энг нуфузли мусобақа саналади, — дейди танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоси, польшалик таниқли ҳуқуқшунос, профессор Владислав Чаплинский. — Унинг шартлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг халқаро судида суд жараёнига ёрдам бериш асосида тузилган бўлиб, кўрик икки қисмдан, яъни меморандум ёзиш ва нутқ сўзлашдан иборат.

Оқил ГУЛОМОВ (ЎзА) олган сурат.

Миллий раунд тўлиқ инглиз тилида олиб борилди. Иштирокчиларга жаҳоннинг етакчи адвокатлари томонидан тайёрланган саволлар берилди. Унинг якунида Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети энг юқори балл тўплаб, ғолиб деб топилди ва АҚШда бўлиб ўтадиган халқаро танловда Ўзбекистон номидан қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Эслатма: Филипп Жессоп номидаги халқаро ҳуқуқшунослар мусобақасида ҳар йили жаҳоннинг тўқсондан зиёд мамлакатларидаги 700 га яқин олий ўқув юртларидан ўртача 2500 нафар талаба қатнашади.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУНЁДКОРЛИК

Андижон шаҳрида 4000 томошабинга мўлжалланган универсал спорт мажмуаси қад ростламоқда. 6 гектар майдонни эгаллаган ушбу иншоот баландлиги 36 метр, яъни 9 қаватли бинога тенг.

Универсал спорт мажмуаси

Мажмуа фойдаланишга топширилгач, бу ерда бир пайтнинг ўзида спортнинг 24 тури билан шуғулланиш имконияти юзага келади.

— Ушбу мажмуа қурилишида бугунги кун талаблари ҳисобга олинган, — дейди "Хон" корхонаси иш юритувчиси Қудратилло Мирзаев. — Иншоот марказида бунёд этилаётган 72х48 метрли аренада машғулотлардан ташқари, халқаро миқёсдаги мусобақаларни ҳам ташкил этиш мумкин.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хабар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 13 ЯНВАРДАН 19 ЯНВАРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги 26-мҳ-сон "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2090-16 (2018 йил 15 январдан кучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 15 январдаги 27-мҳ-сон "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2565-5 (2018 йил 15 январдан кучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 126, К-8-сон "Озиқ-овқат маҳсулотларига, уларни ишлаб чиқариш воситаларига ва халқ истеъмоли молларига гигиеник сертификати бериш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 15 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1525-1 (2018 йил 15 апрелдан кучга киради).

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 6 январдаги 01/10-10/03-сон "Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1504-5 (2018 йил 16 январдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 6 январдаги 01/10-10/04-сон "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларни, объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатларни қайтарган ҳолда қайта сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1206-2 (2018 йил 16 январдан кучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2018 йил 9 январдаги 1-мҳ-сон "Ўзбекистон Республикасида футбол клуби тўғрисидаги намунавий низом, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 218-2 (2018 йил 16 январдан кучга кирди).

7. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2018 йил 8 январдаги 66-сон "Амударё бассейнида эксплуатация қилинаётган ички сузиш кемаларига регистр талабларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 770-1 (2018 йил 16 январдан кучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 10 январдаги 7, 2, 2017/09-17, 2018-03, 01-02/8-2-сон "Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 16 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932-2 (2018 йил 16 январдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2017 йил 29 декабрдаги 72, 190-сон "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг жазони ижро этиш муассасаларида узоқ муддатли учрашувларга хоналар тақдим этганлик учун тарифларни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2964 (2018 йил 17 январдан кучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 29 декабрдаги 189, 2017-69, 01/15-1-10/36-сон "Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1842-5 (2018 йил 17 январдан кучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/3-сон "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-4 (2018 йил 17 январдан кучга кирди).

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 30 декабрдаги 35/6-сон "Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобваракларини тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1948-14 (2018 йил 17 январдан кучга кирди).

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 5 январдаги 01-02/12-1-сон "Йўловчи божхона декларациясини тўлдириш ва расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2606-3 (2018 йил 17 январдан кучга кирди).

14. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 11 январдаги 106-Н-сон "Ўзбекистон Республикаси самовий ҳудудида фуқаро ва экспериментал авиациясининг парвоз қилиш авиация қоидаларига (ЎзР АҚ-91) ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги буйруғи.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1723-9 (2018 йил 17 январдан кучга кирди).

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 17 январдаги 41-мҳ-сон "Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида"ги буйруғи.

2018 йил 17 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 170-1 (2018 йил 17 январдан кучга кирди).

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 1-2018, 1-мҳ, 2-қ/қ-сон "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори.

2018 йил 18 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2965 (2018 йил 18 январдан кучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг "Корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича салмоқли сармоя киритиш шарти билан назорат пакетини ташкил қилмаган акция пакет (улуш)ларини сотиб олган инвесторларга давлат улушини бошқариш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1504, 2005 йил 5 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1504-1, 2010 йил 7 апрель), (рўйхат рақами 1504-2, 2013 йил 15 ноябрь), (рўйхат рақами 1504-3, 2015 йил 25 июнь), (рўйхат рақами 1504-4, 2017 йил 19 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 30-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг "Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги объектларни, объект эгасига илгари хусусийлаштиришга қилинган харажатларни қайтарган ҳолда қайта сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1206, 2003 йил 22 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1206-1, 2014 йил 3 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 31-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикасида футбол клуби тўғрисидаги намунавий низом (рўйхат рақами 218, 1996 йил 26 январь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 218-1, 2017 йил 13 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 32-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Амударё бассейнида эксплуатация қилинаётган ички сузиш кемаларига регистр талаблари (рўйхат рақами 770, 1999 йил 9 июль).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 33-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳамда Давлат божхона қўмитасининг "Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори (рўйхат рақами 1932, 2009 йил 31 март), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1932-1, 2014 йил 13 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 16 январдаги 34-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикасида реализация қилинадиган халқ истеъмол товарларида шартномавий (эркин) чакана нархларни белгилаш вақтинчалик тартиби (рўйхат рақами 170, 1995 йил 7 сентябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 январдаги 41-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлигининг "Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори (рўйхат рақами 2834, 2016 йил 24 октябрь), шунингдек унга қўшимча (рўйхат рақами 2834-1, 2017 йил 21 апрель).

Адлия вазирининг 2018 йил 18 январдаги 42-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Совуқ ҳароратда қизғин баҳслар

9 февраль куни Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт анжумани — XXIII қишки Олимпия ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Бу галги мусобақа Осиё қитъаси учун алоҳида аҳамиятга эга. Гап шундаки, XXI асрда қишки Олимпиада ўйинлари илк бор минтақамизда ўтказилаётир. Бундан аввал, яъни ўтган асрда фақатгина Японияннинг Саппоро ҳамда Нагано шаҳарлари (1972 ва 1998 йиллар) мезбонлик қилган эди. Шунинг учун ҳам "Мусаффо тонг ўлкаси" мамлакатида мазкур йирик турнирга ўзгача ҳозирлик кўрилди. Жумладан, Пхёнчханда махсус Олимпия шаҳарчаси бунёд этилди. Волонтёрлар, томошабинлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун барча шарт-шароит яратилди.

Пхёнчхандаги спорт байрамида 7 спорт тури (15 та йўналиш) бўйича 102 та медаль жамламаси учун баҳслар бўлиб ўтади. Нуфузли мусобақада мамлакатимиз шарафини Миша Ге (фигурали учиш) ва Комил Тўхтаев (тоғ чанғиси) ҳимоя қилади. 8 февраль куни Олимпия шаҳарчасида терма жамоамиз шарафига Ўзбекистон Давлат байроғи тантанали равишда кўтарилди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, XXIII қишки Олимпиада ўйинлари мустақил Ўзбекистон терма жамоаси қатнашаётган еттинчи шундай анжумандир. Мамлакатимиз спортчилари қишки Олимпиада ўйинларида илк бор мустақил жамоа сифатида 1994 йилда иштирок этган. Ўшанда Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳри мезбонлик қилган XVII қишки Олимпия ўйинларида фристайл бўйича олтин медаль қўлга киритилган.

Спорт делегациямиз кейинги қишки Олимпиада ўйинларининг бирортасини ўтказиб юбормаган бўлса-да, афсуски, бошқа совринли ўринларга эришолмади. Шулардан келиб чиқиб, бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида қишки спорт турларини ривожлантириш ва оммавийлигини оширишга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, хоккей, фигурали учиш ва шорт-трек, кёрлинг, чанғи учиш спорт турлари бўйича федерациялар ташкил этиш, замонавий инфратузилмани шакллантириш бўйича улкан саъй-ҳаракатлар олиб борилаяпти. Пойтахтимизда бунёд этилаётган "Ҳумо" кўп тармоқли муз саройи бунинг яққол тасдиғидир. Ушбу спорт иншооти фойдаланишга топширилгач, бу ерда бир неча қишки спорт турлари бўйича нуфузли мусобақалар, ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш имконияти пайдо бўлади. Энг асосийси, бундай шароитлар орқали Ўзбекистон спортчиларининг келгусидаги қишки Олимпиада ўйинларида муносиб қатнашиши, совриндор бўлиши учун пухта замин яратилмоқда.

Миллий олимпия қўмитасининг матбуот хизматидан хабар беришларича, Пхёнчхан шаҳрида ўтаётган XXIII қишки Олимпия ўйинларида 92 та мамлакатдан 3544 нафар спортчи ғолиблик учун баҳс олиб бораяпти. Байрамона безатилган "Олимпия" стадионида мезбон давлатнинг ўзига хос тарихи, миллий анъаналари, театрлаштирилган саҳна кўринишлари ҳамда санъат усталарининг чиқишлари намойиш этилди.

Анъанага мувофиқ, майдонга тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида қатнашаётган давлатлар терма жамоалари бирма-бир чиқиб кела бошлади... Ниҳоят Ўзбекистон спорт делегацияси аъзолари ташриф буюрди. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини спортчимиз — Комил Тўхтаев стадионга олиб кирди. Мухлислар ҳамюртларимизни олқишлар билан кутиб олди... Бу ҳаяжонли онларни жуда кўпчилик бевосита телевидение ва интернет орқали кузатди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Миша Ге 16 февраль куни "Gangneung Ice Arena" муз саройида фигурали учишнинг қисқа дастурида чиқиш қилса, 17 февралда эркин дастурда ўз омадини синаб кўради. Комил Тўхтаев эса 18 февралда тоғ чанғисининг гигант слалом баҳсларида иштирок этади. 22 февралда слалом мусобақасида қатнашади. Тоғ чанғиси бўйича беллашувлар "Yongpyong Alpine Centre" мажмуасида бўлиб ўтади.

"Олимпия" стадионида мусобақа машъаласининг ёқилиши қишнинг совуқ ҳароратида қалбларга ўзгача илиқлик олиб кирди...

О. ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлади.

ИМКОНИЯТ

Республикамизда 11 йиллик умумий мажбурий таълим жорий қилиниши муносабати билан бўшаб қолган Боғот енгил саноат касб-ҳунар коллежи биноси энди янада гавжум масканга айланади.

Ким қайси тўгаракни танлайди?

Чунки бу ерда хорижий тилларни ўрганиш, тикувчилик сирлари, ҳуқуқий маслаҳат, компьютер сабоқлари тўгаракларини ўзида жамлаган "Ёшлар маркази" фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, мазкур бинодан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Боғот тумани кенгаши ходимлари учун ҳам хоналар ажратилди.

— Мен хорижий тилларни ўрганиш ва компьютер дастурларини яратишга қизиқаман, — дейди тумандаги ижтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Тўлқин Жуманиёзов. — Шу боис дарсдан сўнг "Ёшлар маркази"даги тўгаракларга қатнашмоқчиман.

Келгусида бу ерда театр студияси, психологик ёрдам маркази, "Ёш ижодкорлар", "Ёш журналистлар", "Робототехника" тўгараклари ҳам ташкил қилиниши режалаштирилган.

О. ОДИЛОВ.

«Ўзагроэкспортбанк»:

Асосий мақсад — «ўзбек бренди» нуфузини ошириш

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси тубдан ислоҳ қилинаётгани туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми ошиб, ҳудудларнинг экспорт салоҳияти ортмоқда. Айниқса, боғдорчилик, сабзавот-полизчилик тармоқлари ривожланиб, юртимиз аҳолиси ҳамда чет эллик буюртмачиларга сархил ноз-неъматлар етказиб берилаяпти.

ХИЗМАТ

Улар инсон саломатлиги учун зарур микроэлементларга жуда бой эмасми, ташқи бозорларда тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда йилига 1,5-2 миллиард АҚШ долларилик мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинаяпти. Бу яхши кўрсаткич. Аммо экспертларнинг фикрича, қўлга киритилган натижалар мавжуд имконият даражасида эмас. Ҳисоб-китобларга кўра, мазкур рақамни бир неча баробар ошириш, аниқроғи, 10 — 15 миллиард долларга етказиш мумкин экан.

Шу боис бугун деҳқон, фермер ва тадбиркорларнинг экспорт фаолиятини рағбатлантириш, ташқи бозорга "ўзбек бренди" номи остида сифатли ва сертификатланган маҳсулотларни олиб чиқиш масаласига жиддий эътибор қаратилаяпти. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бундан роппароса бир йил муқаддам ташкил этилган "Ўзагроэкспортбанк" акциядорлик тижорат банкининг асосий фаолияти ҳам аграр соҳа вакиллари ҳамда ишбилармонларни ташқи иқтисодий фаолиятга кенг жалб этиш, уларга молиявий кўмаклашишдан иборатдир.

Хўш, ўтган даврда бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

Аввало, айтиш жоизки, "Ўзагроэкспортбанк" республикамиз молиявий хизматлар бозорида ўз ўрнини топиб бормоқда. Агросаноат тармоқларини ривожлантириш, экспорт қилувчи корхона ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш банк фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, хусусан, мева-сабзавот етиштириш ҳамда хорижлик буюртмачиларга етказиб бериш, бунинг учун зарур инфратузилмани шакллантиришга доир инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш баробарида, соҳа корхона ва ташкилотларига комплекс банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Бинобарин, банкимиз томонидан асосий таъсисчи ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, шунингдек, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан экспорт қилувчи корхоналарни молиялаштириш йўлга қўйилгани диққатга сазовордир.

Президентимизнинг 2017 йил 12 сентябрдаги "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори "Ўзагроэкспортбанк" фаолиятини кенгайтириш, бугунги шиддаткор замон билан ҳамнафас ишлаш, мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш борасида имкониятлар эшигини кенг очиб бермоқда. Негаки, мазкур ҳужжатга биноан, жорий йилнинг якунига қадар банк устав капиталини камида 100 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган.

Банкнинг 2018 йилдаги ривожланиш истиқболларини белгилашда мазкур жиҳат эътиборга олиниб, амалиётга янги технологияларни мунтазам жорий этиш орқали хизмат кўрсатиш қўламини кенгайтириш, мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш, бу жараёнда, айниқса, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, кредитлар ажратиш ҳажмини ошириш муҳим вазифалар сифатида режалаштирилди. Шу асосда чет эл валютасидаги пул ўтказмалари амалиётларини йўлга қўйиш, хорижий ва миллий валютадаги жозибадор омонат турларини ишлаб чиқиш, жисмоний шахсларга кредит ажратиш, халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш, SWIFT халқаро тўлов тизимига уланиш ҳамда бошқа инновацион банк хизматларини жорий этиш ишлари бошлаб юборилди.

"Ўзагроэкспортбанк" жамоаси янги ишланма ва технологияларни амалиётга кенг татбиқ қилиш бўйича саъй-ҳаракатларни изчил давом эттираверади. Зеро, мижозлар ҳар доим, ҳамма жойда сифатли хизматдан фойдаланишга ҳақли.

Банк матбуот хизмати.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Хизматлар лицензияланган.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРАТИ

2017/2018 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни ҳамкорлик шартномалари асосида иш жойларига тақсимлаш жараёни бошланганлигини маълум қилади.

Замонавий билимларни ўзлаштирган университетнинг битирувчи бакалавр ва магистрларига эҳтиёжи бўлган корхона раҳбарларидан битирувчиларга келгусидаги иш жойини танлашида кўмаклашиш мақсадида уларга яратиб берилиши мумкин бўлган имкониятлар (маош, тураржой билан таъминлаш ҳамда бошқа имтиёзлар) ҳақида университет раҳбариятига жорий йилнинг 10 мартига қадар талабнома ва сўров хати билан мурожаат қилишини сўраймиз.

Қуйида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини 2017/2018 ўқув йилида битираётган бакалавр ҳамда магистрлар ҳақидаги маълумотлар тақдим этилади (г — давлат гранти асосида, ш — шартнома асосида).

Маълумот учун телефонлар: (+99890) 178-45-70, (+99898) 303-30-09.
Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли, Г-9А мавзеси, 21-уй.

| Т/р | Таълим йўналишлари, мутахассисликлар / Шаҳар (туман) ва вилоятлар | Бакалавриат: Филология ва тилларни ўқитиш: Хорижий тил ва адабиёти | | Инглиз тили | | Немис тили | | Француз тили | | Испан тили | | Хитой тили | | Япон тили | | Рус тили | | Рус тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда) | | Таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича) | | Халқаро журналистика | | Жами | | Магистратура: Лингвистика: Инглиз тили | | Немис тили | | Француз тили | | Испан тили | | Рус тили | | Хитой тили | | Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик (тиллар бўйича) | | Халқаро журналистика (фаолият турлари бўйича) | | Журналистика (спорт журналистикаси) | | Адабиётшунослик (инглиз адабиёти) | | Жами | |
|---|---|---